

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 91 (10.144)

2004 ЙИЛ 13 МАЙ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли**
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСКА
хатларда**

● **ҚОНУНЧИЛИКНИ** мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мавзуларига фаолият курсатаётган журналистлари иштирокида «Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш истиқболлари» мавзусида ўқув машғулоти бўлиб ўтмоқда.

● **КЕЧА** Яккасарой туманидаги 13-спорт мактабида «Халқаро оила кунли»га бағишлаб сузиш спорт буйича оилавий спорт мусобақалари уюштирилди. Тадбир иштирокчиларига туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом аёл» жамғармасининг Яккасарой туман бўлими, «Оила ва аёл» маркази томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

● **ЭРТАГА** «Шератон» меҳмонхонасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Ешлар қаноти»нинг тақдими маросими бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 14-талабалар уйида иккинчи қақирқ Олий Мажлиси 14 сессияси материаллари асосида очик мулоқот уюштирилди.

● **«ТУРКУМЕН»** саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши «Камалак» болалар ташкилотининг III анжумани бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** миллий энциклопедияси «Давлат наشريетида Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг еттинчи жилди нашр этилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласида туман маҳаллалари фаоллари ва ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир «Терроризмга қарши кураш — замон талаби» деб номланди.

● **1-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида уюштирилган тадбир Бутунжаҳон тиббиёт хамширалари кунига бағишланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Учтепа» маҳалласида фахрий отахонлар ва онахонлар учун Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб хайрия тадбири уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАКТАБ — ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ

Илгари хабар қилинганидек, 11 май кунли Оқсарой қароргоҳида Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш буйича Махсус комиссиянинг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бошқарди.

Аждодларимизнинг асрий орзу-армонлари рўёбга чиқаётган истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори, умуммиллий масала бўлмиш таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, шу жумладан, мактаб таълимини тараққий эттириш ишларига ҳам давлатимиз раҳбари доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Қисқа даврда соҳа равнақи йўлида зарур ҳуқуқий, илмий-услубий ва молиявий шароитлар яратилди. Чунки келажагимиз пойдевори мактабда бунёд этилади. Улуғ ватандошларимиздан бири таъкидлаганидек, мактаб - тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг калитидир.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш асносида, мактабларнинг моддий-техника имкониятларини ошириш, уларни замонавий биналар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш, айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз уқтирганидек, мактабни битирган фарзандларимиз эртага олий ўқув юрталари, лицей ва коллежларга ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари Вазирил Маҳмаднинг 2003 йил январига бағишланган йиғилишидаги маърузасида ушбу масалага яна бир бор атрофлича тўхталиб, умумтаълим мактабларининг бугунги ҳолати, моддий-техника базаси кониклари ҳолатда эмаслигини жиҳдий танқид қилган эди.

Хозирги кунда кўплаб мактаблар ўқув стандартлари талабларига жавоб бермайдиган биналарда жойлашган. Айрим мактабларда болалар икки сменада ўқимоқда. Мактабларнинг ярмидан кўпроги компьютерлар билан жиҳозланган, ҳолос. Интернет тизимига уланган мактаблар ҳали жуда оз.

Мактабларни малакали педагоглар билан таъминлаш масаласи ҳам жиҳдий муаммо бўлиб қолмоқда. Олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчи-

лар ҳам анчагина. Чет тили ва бошланғич таълим, химия ва физика, жисмоний тарбия каби фанлар буйича ўқитувчилар етишмайди.

Ислоҳ Каримов мазкур масала буйича истиқболли махсус дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш учун нафақат бюджет маблағларини, балки ҳолий ташкилотлар, бу муҳим ишнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англайдиган барча инсонларнинг куч ва имкониятларини жалб этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Дастурни Қадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш буйича Махсус комиссия тузилган эди. Республикаимиздаги барча мактаблар моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлари ташкил этилганди.

Утган давр мобайнида Махсус комиссия юртимиздаги жами мактабларнинг аҳолини ўрганиш ва шу асосда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Ишчи гуруҳлари томонидан жойлардаги мактаблар Фармойишида белгиланган тартибда тўлиқ рўйхатдан ўтказилди, паспортлаштирилди, тегишли ҳулосалар тайёрланди.

Йиғилишда ушбу Фармойиш ижроси буйича бажарилган ишларнинг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Юртимиздаги барча мактабларни бешта йўналиш буйича бугунги замон талабларига қийслаб атрофлича ўрганиб чиқиш юзасидан тегишли топширилган берилган эди, деди Ислоҳ Каримов йиғилиши очар экан. Чуқур танқидий-тахлилий ҳулосалар асосида тайёрланаётган Дастурда минтақаларда, айниқса, қишлоқ жойларда ана шу йўналишлар буйича йилма-йил амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топиши керак.

Биринчи йўналиш - мак-

таблар, шу жумладан, бориш қийин бўлган ҳудудлар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биналарини реконструкция қилиш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзили аниқ кўрсатилган режаларини ишлаб чиқиш, мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш каби масалаларни қамраб олади.

Бу йўналиш буйича таҳлилларни баҳолаш экан, Президентимиз, жойлардан билгидирилайтган «энг маъқул ва яхши йўл - янги мактаблар қуриш, чунки эскиларини таъмирлаш қимматга тушади» қабилдаги айрим таклифларнинг чуқурроқ, атрофлича ўрганиш ва йўлаб қуриш, шундан кейингина ҳулоса чиқариш кераклигини таъкидлади.

Ишлаб турган мактабларни реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жорий таъмирланадиган мактаблар қаторига киритиш учун аниқ мезонлар белгиланиши лозим. Авария ҳолатидаги мактаблар бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнига янгилари қурилиши даркор. Бунда мактабларни реконструкция қилишга оид бир хил типдаги лойиҳалар ишлаб чиқиш зарур.

Ислоҳ Каримов аниқ лойиҳаларсиз қўл урилган ишнинг салбий оқибатига мисол сифатида Камаш туманидаги мактабни эслатиб ўтди. Иш бошиданок аниқ лойиҳа мавжуд бўлмагани, бажарилмаган ишлар ҳажми пухта белгиланган олинмагани учун бу ерда тўрт йил бурун зилзиладан зарар кўрган мактаб биносини тиклаш ишлари ҳалигача поёнига етгани йўқ.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш борасидаги ягона йўл - жойлардаги ҳар бир мактабнинг ҳолатини пухта ўрганиб, тарҳини чизиб, қайси турдаги лойиҳага мос келишини аниқлашдир. Шунда тегишли лойиҳа буйича реконструкция қилиш учун қанча маблағ ажратиш кераклиги ва қандай кўламдаги ишларни аниқлашдир. Шунда тегишли лойиҳа буйича рашанлашади.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси
Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кеча Оқсаройда Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистондаги вазиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Кеча Олий Мажлисининг Банк, банк ва молий масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий банкнинг 2003 йилги фаолияти яқунлари кўриб чиқилди.

● Кеча Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Росзарубежцентрининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Бухоро давлат университетини ва Бухоро давлат рус маданияти маркази ташаббуси билан Бухорода «Замонавий бошқидат тил ва адабиётнинг гуманистик роли» мавзусида анжуман ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазма заллида инглиз тилидаги икки томли «Шарқ миниатюралари» каталогининг тақдими бўлиб ўтди.

● Жаркўрган тумани пиллакорлари 122 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси тайёрлаб, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб шартнома-режасини бажардилар.

Жаҳонда

● Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Корея ярим оролида ядро муаммосини бартараф этиш буйича ишчи гуруҳининг 6 томонлама музокаралари бошланди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлаш ва Ироққа ушбу давлатдан жангарилар киришининг олдини ололмаётганлиги сабабли Сурияга нисбатан иқтисодий чоралар жорий қилинишини билдирди.

● Россия Марказий сайлов комиссияси раиси А.Вешняковнинг маълум қилишича, Чеченистонда мuddатидан олдин президентлик сайловлари 2004 йил сентябрнинг биринчи яқшанбасидан кечикмаган ҳолда ўтказилиши лозим.

● Шотландиянинг Глазго шаҳридаги пластмасса ишлаб чиқариш фабрикасида оз берган портлаш оқибатида 4 киши ҳалок бўлди, 37 киши жароҳатланди.

● Сайёх сифатида Хитой сафаридан қайтган 70 ёшли Тел-Авив шаҳрида истикомат қилувчи киши гайриоддий зотилжамга гумон билан касалхонага ётқизилди.

МАКТАБ – ТАРАҚҚИЁТ, МАДАНИЯТ ВА СОДАТ КАЛИТИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ишни пухта, режали, ҳамма жиҳатларини тўла ҳисобга олган ҳолда бошлаш даркор, деди Юртбошимиз. Шундай экан, мактабларни муайян турлар бўйича таснифлаб, ҳар бир турдаги мактаб учун қатъий лойиҳа макетларини чизиб, меъморий ечимларини ҳал этиш керак. Албатта, намунавий лойиҳа муайян шарт-шароитга мослаштирилади.

Ислом Каримов мактаб таълимини ривожлантириш истиқболлари ҳусусида сўзлар экан, шаҳар ва қишлоқ мактаблари ўртасидаги тафовутларни адолатсизлик, деб баҳолади. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик асосий мақсадлардан бири бўлиши зарурлигини уқтирди.

Намунавий лойиҳанинг яна бир афзаллиги - уларда хавфсизлик кафолати мавжуд эканидир. Давлат интизомига қатъий амал қилган ҳолда яратилган лойиҳалар бўйича қурилган мактабларда, айтилди, табиий офат туфайли бирон-бир ҳалокат содир бўлса, тегишли мутасаддиларга жавобгарлики ўз зиммасига олади.

Давр ва ислохотларимиз талабларидан келиб чиқиб жорий этишга киришадиган ушбу ишларимиз миқёси лицей ва коллежлар қурилишига нисбатан анча кенг ва кўламдир, - деди давлатимиз раҳбари. - Фарзандларимиз таълим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бу саъй-ҳаракатларимиз миллатимизнинг, халқимизнинг буюк келажагини ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга ошириладиган ишлардир.

Фармойишда белгиланган иккинчи йўналиш - мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш борасида сўзлар экан, мамлакатимиз раҳбари бу ишлар қурилиш ва таъмирлаш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Таълим тизимида қўлланиладиган

ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш - Фармойишда қайд этилган учинчи йўналишдир.

Мактаб таълими тизимидаги эски стандартлар ҳалигача кўриб чиқилмаган, деди Президент. Соҳа бўйича мавжуд меъёрларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, ўрганиб чиқиш, муайян қисмини янгилаш, кераксизларини бутунлай бекор қилиш даркор.

Янги меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда шундай жиҳатлар ҳисобга олиниши керакки, ҳар бир ўқитувчи, таълим соҳаси ходими бола тимсолида шахсни кўрсин, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши борасида ўзининг масъул эканини доимо ҳис этиб турсин.

Тўртинчи йўналиш - умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлашдир. Педагоглар таркиби сифатини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизimini яратиш, ўқитувчилар меҳнатини янада рағбатлантириш мактаб таълимини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу ишлар тўла-тўқис амалга оширилса, аввало, педагогикага оид ўқув юрларини битириб бошқа соҳаларга ишга кетиб қолаётган мутахассислар мактабга қайтади. Ўз навбатида, ўқитувчиларнинг масъулияти ортади, ишга рағбати кучаяди. Бу эса ёшларимизни турли оқимларга қўшилиб қолишдан асрайди, уларни фойдали ишга жалб этишда, демакки, эл-юрт учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия - ўзаро узвий боғлиқ шарқона тушунчалардир. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бугун мактаб ўқувчиларининг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти ҳам спортга бевосита боғлиқ эканидан халқимиз яхши хабардор, деди

Юртбошимиз бешинчи йўналиш - мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб. Бу борада амалга оширадиган кенг миқёсли ишларимизни ҳамма кўриб турибди ва маъқулламакда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича дастурларимизни изчил амалга оширишда давом этишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбари юқорида баён этилган улкан ҳажмдаги, ниҳоятда салмоқли ишларни бажариш учун молиявий манбаларни аниқ белгилаш борасидаги вазифаларга эътиборни қаратди. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш келажақда мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш ва замон даражасига мос тарзда юксалтиришга хизмат қиладди.

Олдимизда бир-икки йиллик иш эмас, балки неча ўн йил илгарини ўйлаб қилиниши лозим бўлган гоёт масъулияти вазифаларга эътиборни қаратди. Мактаб таълимини ривожлантириш бўйича мисоли раҳбариди. Бу ишларни ҳар томонлама пухта ва режали асосда ташкил этишимиз керак. Умумий таълим аҳамиятга молик ушбу ишларимиз 5-6 йилдан сўнг ўз самарасини беришига ишонаман. Фарзандларимиз - бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

Юқас марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида буюк келажақ барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган халқимизнинг мактабларимиз аҳолини тубдан ўзгартиришга, бу борада ҳам ҳеч кимдан кам бўлмасликка қаратилган бундай хайри саъй-ҳаракатлари тез орада юқас самара беришига шак-шубҳа йўқ.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

ХОЛДИНГ РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзмевабазавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ўз инфратузилмасини жадал ривожлантирмоқда. Шиша ишлаб чиқариш бўйича энг йирик заводлардан бири - «Асл ойна» очик акционерлик жамиятини ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

лан таъминлаш учун қурилмоқда. Завод йилига 124 миллион донадан ортик халқаро андозаларга жавоб берадиган шиша идиш ишлаб чиқариш қувватига эга. Бироқ бунинг учун халқаро алоқалар ҳам зарур. Бу борада замонавий ускуналар етказиб бериш бўйича Германиянинг машҳур «Хайе Интернейшнл ГМБХ» фирмаси билан

шартнома имзоланган ва амалга оширилмоқда. Холдинг компаниянинг мамлакатимизда ҳам ишончли ҳамкорлари бор. Умумий қурилиш ишларини «Сифат» лойиҳа-қурилиш биравари маси бажараётган бўлса, «Ўзмонтажмахускурилиш» уюшмаси бу ерда металл конструкциялар, технологик ускуналарни ўрнатмоқда.

Юқори технологияли янги корхона келгуси йили фойдаланишга топширилади. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган шиша идишларни экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.

Дисперсияланган олтингургурт ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир завод шу йил ишга туширилади. У ҳам пойтахтимизнинг Сирдали туманида жойлашган бўлиб, йилига 20 минг тонна олтингургурт ишлаб чиқариш қувватига эга. Боғлар, узумзор, пахта далагарига сепиш учун зарур бу маҳсулот маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Корхона учун хомашёни Мингбулоқ газни қайта ишлаш заводи етказиб беради.

ЎзА

Танловлар

ЭНГ БИЛИМДОН ИСТЕЪМОЛЧИ

Муҳташам «Зарафшон» киноконцерт залида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик билимлари асослари бўйича ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан ўтказилиб, «Энг билимдон истеъмолчи» деб номланди.

Кўрик-танловнинг бу босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, республикамизнинг барча вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан 1-ва 2-ўринларни эгаллаган жами 28 нафар 9-11 синф ўқувчилари иштирок этишди. Қувонарли томони, ушбу кўрик-танлов биринчи бор ўтказилаётган бўлса-да, унда 250 минг нафардан ортик

ўқувчилар фаол қатнашиб, 4-босқичда — мактаб, туман, шаҳар (минтақалар), республика босқичларида ўзаро беллашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Зухра Сайдаминова сўз олиб, жумладан шундай деди:

— Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни фаоллаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тартиб қилиш, ички истеъмол бозоримизда сифати паст, одам-

лар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини аниқка, келажагимиз давомчилари томонидан кучайтиришга эришилди.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ҳар бир шарт бўйича чиқишларини нуфузли ҳайъат аъзолари адолатли баҳолаб борди. Айтиш керакки, иштирокчиларни кузатар эканми, уларнинг пухта тайёргарлик кўрганликлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукамал билишлари шундоққина намён бўлди. Уларни баҳолаш кўрик-танлов ҳайъати аъзолари учун ҳам осон кечмади.

Шундай қилиб, «Энг зукко истеъмолчи» йўналиши бўйича Сирдарё вилоятидан Хилола Султонова 1-ўринга, Тошкент шаҳридаги 116-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Игорь Пряхин 2-ўринга ва Наманган вилоятидан Ноила Умарова 3-ўринга сазовор бўлдилар. Голиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Барча қатнашчиларга эса эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Мағбурлар УЮШМАНИНГ ПОЙТАХТ БЎЛИМИ ТУЗИЛДИ

Фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларидан ҳисобланган оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, матбуотнинг ҳолис ва ошкоралигини таъминлашни амалга оширишда ана шу соҳа ходимларининг манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қилиш, улар масъулиятларини янада ошириш, журналистлар ҳамкорлигини ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадни амалга ошириш учун яқинда республикамизда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси тузилди. Уюшма Низомига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда унинг бўлимларини тузиш кўзда тутилган бўлиб, жойларда бу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, кеча Миллий матбуот марказида ташкилот Тошкент шаҳар бўлимининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган уюшманинг шаҳар бўлимини тузиш, унинг бошқарув аъзолари ва раисини сайлаш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон журналистлари уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, ташкилотнинг тузилиши бугунги кунда зарурлиги, катта аҳамиятга эгаллиги, унинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳусусида батафсил тўхталиб, шу кунга қадар вилоятларда унинг бўлимлари фаолият бошлаганини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққанлар пойтахтимизда уюшма бўлимининг ташкил этилиши бу ерда меҳнат қиладиган журналистлар ва ижодкорларга ҳар жиҳатдан фойдали эканлигини, оммавий ахборот воситалари ходимларига ёрдам кўрсатишини, ёш журналист кадрларнинг маҳоратларини оширишда, танлики ижодкорлар тажрибасини оммалаштиришда, журналистларнинг ихтисослашувиغا кўмаклашишда, уларнинг мавқени кўтаришда, шаъни ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Йиғилишда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телеканали директори Незматилло Саидхонов Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раиси этиб сайланди.

(Ўз муҳбиримиз)

«Бахт-қибол... ҳуқуқига эгман» таловига

Зариф ака орқасидан 8-9 ёшлар чамасидаги болани эргаштиригича эшикдан кувнок кириб келди.

— Мана онаси, сенга бола олиб келаяман.

Айовнда кўрпа қавиб ўтирган Каромат опа бир эрига, бир охори тўқилган кийимдаги сочлари ўсиқ болага тикилганча жим қолди.

— Бу кимнинг боласи?

— Бизники онаси, бизники. Бекатда қараб турсам, кўчада дайдиб юрибди. Раҳимим келди. Сўраб-суриштирдим. Ота-онаси йўқ экан. Аллакимникида юрардим, ҳар куни урарди, шунинг учун уникадан қочиб кетдим, — дейди.

— Вой, қанақа ноинсоф экан у ёшгина болани урадиган?

— Хуллас борадиган жойи йўқ экан. Унинг ноноҳор аҳолини кўриб кўчада қолдиришга кўзим киймади. Савоб бўлар деб ўзим билан бирга эргаштириб келавердим.

— Яхши қилибсиз отаси, бола бечоранинг қорни ҳам очиб кетган бўлса керак.

Каромат опа дарҳол ўрнидан туриб чойнонга уннаб кетди. Кейин боланинг юзқилини ювдириб, тоза сочлик тулди, дастурхонга таклиф этди.

— Онаси, — деди иштаҳа билан овқатланаётган болага тўқила туриб Зариф ака. — Агар чиндан ҳам шу боланинг ҳеч кими йўқ бўлса, уни ўзимизга ўғил қилиб олсак нима дейсан?

— Нима дердим, жон-жон дейман. Ахир икки киз, бир ўғлимиз бирданга тўртта бўлиб қолса яхши-да.

Каромат опа болага меҳр билан тикилди. Кейин оналарга хос гап бошлади.

— Болам, отинг нима?

— Содик.

— Вой, ўзинг ҳам содиққина бола экансан. Содикжон, сендан бир нарса сўрасам майли дейсанми?

— Сўранг.

— Бизга ўғил бўласанми?

— Майли.

— Онагинанг ўргилсин, болажоним.

Шу куни Зариф аканинг уйда унинг оиласи яна биттага кўпайгани муносабати билан ўзига хос тантана бўлди. Айниқса опа-ака Маллохат ва Зуфаржонлар уқалик бўлганларидан қувонишди. Хушхабарни эшитиб, оиланинг тўнғич қизи Хайётон ва кўёвлари Фозилжонлар ҳам хонадонга кириб келди. Ҳаммалари жамулам бўлишиб, оиланинг янги аъзоси Содикжонни қўллашди.

Ота-она болаларининг ҳар бирига меҳр билан тикила туриб, бир зум уларнинг ўтмишларини кўз олдларига келтиришди...

Зарифжон ва Кароматхонлар девдор-дармиён кўшнлар эди. Улар ёшлардан бирга катта бўлишди. Бир мактабда ўқиди. Урта мактабни тугатиб, икковлари Тошкент тиббиёт институтига ҳужжатларини топширишди. Аммо омадлари юришмади. Тўплаган баллари етмай институтга киришолмади. Кейин Зариф ака Тошкентдаги вагон таъмирлаш корхонасига ишга жойлашди. Каромат опа тикувчилик курсида ўқиди. Уни битириб «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касби бўйича ишлади. Ешликдан берган кўнгли йигит билан қизни бир-бирига қаттиқ боғлаб қўйган экан. Икки қўшни куда қудагай, Каромат — келин, Зарифжон эса кувё бўлди.

Орадан икки йил ўтиб илгор ишчи Зарифжонга корхонасидадан икки хонали уй берилди. Ота-оналар ёш оилага оқ фотиҳа бериб уларни Юнусободнинг 13-мавзесида бўнад этилган 9 қаватли уйлардан бирига қўчириб қўйишди. Ёшлар ахилликда 5-6 йил яшади. Лекин фарзанд кўришмади. Шундай кунларнинг бирида эрта тонгда Каромат опа дўкданан сўт олиб келгани кўчди-ю, яқин ўртадаги ахлатхона атрофидан ўтаётиб, чақалоқнинг ҳорласи йўлаган овозини эшитгандек бўлди. Қараса, ахлат яшигида янги туғилган чақалоқ ётибди. У бир зум саросималаниб қолди. Кейин совуқдан жунжикиб, қотиб қолган бир парча этнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни бағрига босганича уйига югурди. Шунда рўпарадаги ўзининг юқори қаватидан совуқ овоз эшитилди.

— Ҳа қўшни, тинчликми?

Каромат овоз келган томонга қараб Салимажон буйига етган қизи Анзират билан пешайвон деразасидан уни кузатиб туришиганини кўрди.

— Вой бола кўр қилгур, тирноққинага зор бўлгур. Кимдир янги туғилган чақалоқини ахлат кўтига ташлаб кетибди, — деди Каромат уларга жавобан.

— Кўрмасликка олиб кетавербасизми, қўшни. Кимингдир сарқитини деб бошингизга бало орттириб нима қиласиз. Ёки ўзингизга бола қилиб олмақчимиз?

Шу тонда Каромат ўзига истехзо билан

қараб турган она-бола билан ади-бади айтишишни ўзига ет-қўрмади. Индамайгина йўлага кириб кетди.

Эндигина уйқудан уйғонган Зарифжон аёлининг қўлидаги болани кўриб ҳайрон бўлди. Сўнг хотинидан бор гапни эшитган, дарҳол болани сийлаб-сийлаб, ўз билганича муолажа қила кетди. Янги меҳмон қизалоқ эканлигини шунда билишди. Эр-хотин кечаси билан болани парваришлаб, ювиб-тарашди. Кароматхон яхши ният билан туғилажак боласига тикиб қўйган кийимларини чақалоққа кийгазган эди, у би-нобидек сўйса суйгудек болага айланди-қолди. Кечга бориб эр-хотин Хайётонни (бир ўлимдан қолган бегуноҳ гўдаки бундан кейинги ҳаёти порлоқ бўлсин деб ўзларича чақалоққа шундай ном беришди) ўзларига фарзанд қилиб олишга аҳд қилишди.

Йиллар ўтган ҳамма нарса изга тушиб кетди. Узунқулоқ гаплар унутилди. Хайётон дурқун, қувнок ўсди. У бочга ёшдан ошиб мактабга қатнай бошлади. Бир куни мактабдан

кечроқ қайтди.

— Вой болагинам-ей, яхши келдингми? Бир хавотир олдим, — шундай сўзлар билан одати бўйича қизига қўчогини кенг очди онаизор.

Бу гап Хайётон онасининг қўчогига отилиб эрқаланади, буйинига осилмади. Остонада турганича индамай кўзидан дув ёш тўкди. Каромат опа бир нарсани сезгандек кўнгли алланечук бўлиб кетди.

— Тинчликми, дўбобогим? — сўради дарҳол қизининг кўз ёшларини артиб.

Хайётон чидаб туролмади. Ичидан келган қучли хўрсиниши билан онасининг кўксига бош қўйди. Гўё ҳозир биров торқулаб она-болани айириб оладигандек унинг буйинига чирмашганича юз-кўзларидан тинимсиз ўпди.

— Ойжон, мен сизнинг болангиз эмасманми, сиз мени чақалоқлигимда кўчадан топиб олганмисиз?

Каромат онанинг аъзойи баданини муз босди. Миясидан товоғинга бир нарса йўрғалаб ўтгандек бўлди. Қайси ноинсоф йиллар қатига яширинган бу сирни уялмай-нетмай унга етказди.

Она бечора ҳар қанча уринмасин жўяли бир сўз тополмас, шу тонда саволига аниқ жавоб қилиб турган қизалоқнинг кўнглига таскин беришдан тили ожиз эди. Шу алфозда қанча вақт ўтди билмайди.

— Буни сенга ким айтиди?

— Охири оғзидан чиққан қўруққина сўз шу бўлди.

— Салима хола...

— Шунчақами? Хали қараб турсин, мен у хотинга қўнани кўрсатиб қўяман.

Йўқ, Салима опага қўнани кўрсатиб қўймади Каромат. Бекорга гап-сўз кўпайишидан қўрқди. Кўп ўтмай эри Зарифжон билан ба-маслаҳат бу уйни тарқ этиб, шаҳарнинг бошқа бир тарафидан жой оlib қўчиб кетди.

Бир яхши гап, бир ёмон гап унутилмаслиги рост экан. Ушанда онасидадан саволига тузук-қуруқ жавоб ололмаган Хайётон кўнларнинг бирида бу гапни яна кўзгади. Бу сафар Каромат опа ўзини қўлга олди. Нима қилиб бўлса-да Хайётоннинг ҳақиқий онаси ўзи эканлигига қизни ишонтирди. Шу билан ёпиглиқ қозон ёпиглигича қолди. Қизининг келажак бахтини, қолверса ёш боланинг кўнглини чўктирмаслик учун шундай қилди.

Кўнлар шу зайдда ўтиб борарди. Бирдан ёш қўшнинг бошига мусибат тушди. Икки болали оиланинг ота-онаси машина фалокатига учради. Онаизор ўша захоти, ота эса ўн кун касалхонада ётиб жон таслим қилди. Ёш қўшни — жон қўшни. Зарифжон ака ва Каромат оналар ноноҳор оилага қўлларидан келганча ёрдан беришди. Орадан бир оз муддат ўтиб болалар тақдирини устид гап борганда Зариф ака ва Каромат оналар агар маҳалла, марҳумларнинг қариндош-уруғлари розилик билдиришса, икки норасидани ўз тарбияларига олиб, уларга ота-оналик қилишга тайёр эканликларини айтишди.

— Биз бу оила билан 4-5 йилдан бери яқин-миз, — деди Зариф ака. — Шу йиллар мобайнида ахил ва иноқ яшадик. Сиз оғзимиз санга бормади. Шундай экан, болаларни ҳеч кимга бермаймиз. Уларга ўзимиз ота-оналик меҳрини бериб катта қиламиз.

Бу гап қўпчиликка маъқул келди. Шу куни маҳалла-қўй ва узоқ-яқинлар икки норасидани 7 ва 5 ёшли Маллохат ва Зуфаржонларнинг тақдирини шу оилага ишониб топширишди.

Йиллар ўтиб болалар катта бўлишди Хайётон шифокорлик касбини танаудди. Тошкент тиббиёт институтини битириб, поликлиникада иш

бошлаган, Маллохатхон тўққиз, Зуфаржон еттинчи синфни тугаллаган эди. Уша йили оиланинг тўнғичи Хайётоннинг тўйи бўлди. У ўзи севган курсдош йигити Фозилжонга турмушга чиқди. Шундай бахтли кунларнинг бирида Каромат онанинг уйига (билмадик манзилини қайдан топишган) Салима хола билан қизи Анзират кириб келишди. Каромат опа уларни кўриб олдин хайрон бўлди. Кейин айланиб-ўргилиб кўришди. Дастурхонга ҳаракат қилди.

— Ҳеч нарсага овора бўлманг қўшни, — деди Салима хола гапни қалта қилиб. — Яхшиси ўтиринг, биз бир маслаҳат билан келганмиз.

— Тинчликми? — бироз хавотирлиниб сўради Каромат опа.

— Тинчлик эмас-да, айланай.

Бу орада Анзират кўз ёшлари тўкиб юборди.

— Вой йилгалам, қоқиндиқ, — Каромат опа уни юпатган бўлди.

Салима опа узоқдан сўз бошлади.

— Ушанда қўпчиликни қилиб қўйиб ўзимиз бармоқ тишлаб қолдик. Шайтон йўлдан урмаса

шундай қилармикди.

Энди ҳақ гапни гапирмай иложимиз йўқ. Агар билсангиз арзандангиз Хайётон менинг набирам, қизим Анзиратнинг қизи. Лекин отасининг зоти, тагининг йўқлиги, бунинг устига бениқоҳ туғилган бола хусусида бўладиган гап-сўзлар, маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар дашонидан кўрқиб, шундай йўлни тутишга мажбур бўлган эдик. Қизининг ҳомиласини сир тутдик. Уни ўзим тутдирдим. Қўзи ёриши билан қўзим: «Болани йўқотинг», деб туриб олди. Ярим тонда уни ўша эрига ташлаб келдик. Эрталаб хайрон бўлиб ойнадан қараб турсак болани сиз бағрингизга босганингизча уйингиз томон югуриб келаянқис. Анзират қизим қайта бола кўрмади. Орқаваротдан эшитсак, сиз яна иккити болани асраб олган экансиз. Ҳарқалай бағрингиз бут. Шунга қўзимиз Хайётонни...

Салима хола кейин нима деди, буёғи Каромат онанинг қўчогига кирмади. Бир вақт ўзига келиб қараса, «меҳмонлар» хайрлашиб чиқиб кетишганди. Охири эшитган гапи шу бўлди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ахир бизга ҳам осон тутманг.

Вой тавба, бу қандай юзсизлик, беандишлик. Шунча йиллар ўтиб бирор марта сўраб-суриштирилмаган, хол-аҳвол сўралмаган, жонсиз махлуқат сингари қўчага улоқтирилган қиз энди керак бўлиб қолди. Бу сўзларни Хайётонга ким айтибди-ю, қайси тил билан айтибди? Бу қандай шармандалик.

Шу куни тушдан кейин ҳовлига Хайётон кириб келди. Каромат опа қараса, қизи негадир хомуш. Она юраги бир нарсани сезса-да, билмасликка олди. Югуриблаб бориб, қизи билан қўчоқлашиб қўришди.

— Ўзим шу тонда сени ўйлаб ўтирган эдим. Кечаси тушимга кирибсан, болам. Нега бир ўзинг келдинг, Фозилжонни олиб келмадингми? Утир. Мен ҳозир чой қўйворай.

— Керамас. Чой ичмайман. Кетаман ойи.

— Вой, нега келдингиз нега кетасан. Айт, бирор гап борми болам?

Каромат опа қизининг оғзини пойлади, ҳеч гап бўлмаган:

— Вой болам, оғзингга талқон солиб олганмисан? — дея қайта сўради.

Хайётон индамай онасининг буйинидан қўчди. Ёш боладек эрқаланиб кўзидан ёш тўкди.

— Айт, айта қол эркам, нима бўлди сенга?

— Хайётон ётиги билан, онасининг дилга озор бермай, бор гапни айтди. Каромат опа билса, она-бола Салима ва Анзиратлар қизининг ҳам олдига борган, унга ҳамма гапни айтишган экан.

Она-бола узоқ ҳасратлашишди. Каромат опа қизидан ҳақиқатни яширган учун кечирим сўраб, йўғлади. Хайётон онасининг кўз ёшларини меҳр билан артди.

— Ҳафа бўлманг ойжон, — деди охирида.

— Менинг онам сизсиз, сиздан бўлак онам йўқ. Қизи хайрлашиб кетар чоғида Каромат опа тайинлади.

— Тез-тез келиб тур болам. Укаларингнинг йўриги бошқа, сенки бошқа.

Бугун яна уч бола — Маллохат, Зуфаржон ва Содикжонлар тарбия топаётган бу оиланинг қўрган-кечирганларини рўйи рост эшитган, бу болажон оилага бўлган меҳримиз янада ошди. Биз тўртта болани оқ ювиб, оқ тараб катта қилган бу меҳр-муруватли оила ҳақида газета мақола тайёрлаш ниятида эканлигимизни айтганимизда Каромат опа ва Зариф оналар бир гапни айтиб қолишди.

— Бизни газетгага ёзсангиз, мақолани ўқиб, болаларимиз ўтмишини эслаб, ўқиб юришмасин тагин. Шундай ҳам уларнинг бошидан ачча оғир кўнлар ўтган. Яхшиси, болаларимизга ўтган кўнларини эслатмай, манзилимизни кўрсатмай, ноамларимизни бир оз ўзгартириш билан «Шундай оила бор» дея ёза қолинг.

Биз ҳам ўйлаб-ўйлаб уларнинг мулоҳазаларини тўғри топдик ва мақоламизга шу сарлавҳани танладик. Назаримизда у мақола руҳига мос тушгандек кўринди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Алоқа

ЛОЙИҲА
ИЗЧИЛ АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш йўналишида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жаҳон андозаларига асосланиб маълумотлар узатиш миллий тармоғини тараққий эттириш ва замонaviйлаштириш лойиҳаси ҳам юзага келди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ана шу истиқболли лойиҳани амалга оширишда дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Интернет тармоғини ривожлантиришга оид техник тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Самарали изланиш туфайли Тошкент шаҳрининг ўзида маълумотлар узатиш тармоқларидан 20 таси ўрнатилди. Ҳозир мамлакатимизда бундай тармоқлардан 100 га яқини фаолият кўрсатмоқда.

БУТУНЖАҲОН
КОНГРЕССИГА
ТАРАДДУД

Шу йилнинг кузида Бутунжаҳон почта иттифоқининг XXIII Конгресси ўтказилади. Бухарест шаҳрида уюштирилаётган бу халқаро анжуманда иттифоққа аъзо давлатларнинг доимий бошқарув органлари янги таркибига сайлов бўлади.

Шу муносабат билан Конгрессга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳам бу тадбирда иштирок этишга ҳозирлик қўрмоқда. Агентлик почта технологиялари ва хизматлари бўлими раҳбарлигида ишчи комиссияси тузилди.

Агентлигининг навбатдаги ҳайбат йиғилишида ана шу масала атрофлича кўриб чиқилди.

МУТАХАССИС
КАДРЛАРГА
ЭЪТИБОР

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассисларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилиб, қатор маърифий тадбирлар қўрилмоқда.

«Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашни таксимлаштириш» деган мавзуда ўтказилган илмий-амалий семинарда Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда алоқа корхоналарида бу соҳада олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Анжуманда алоқа ва ахборотлаштириш бўйича мутахассислар тайёрлашнинг истиқбол режаси ҳам кўриб чиқилди.

Акбар АЛИЕВ

ШУНДАЙ ОИЛА БОР

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг истиқбол режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ҳуқуқ

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, АҚЛАН БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Бугунги кун ёшлари эртамининг нурли кун, юрт истиқболи. Шунинг учун ҳам уларни жисмонан соғлом, ақлан баркамол, ватанпарвар, она-юртининг муносиб посбони қилиб тарбиялаш бугунги кун талаби. Бу йўлда эса уларга жуда ёшлардан таълим тарбия берилиши керак. Одоб-ахлоқ мезонларига ўргатилиши, касб-хунар эгаллашлари, бўш вақтларининг тўғри тақсимланиши, содир этилиши мумкин бўлган турли жиноят, гийвандлик, миллатимизга ёт бўлган оқимларга аралашиб қолишларининг олдини олишга эришиш лозим. Биз Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими катта инспектори, милиция капитани Тўлқин Аберкуловдан айтиш кунларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.



— Асосий мақсадимиз жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларни аниқлаб, улар билан яқка тартибда профилактика олиб боришдир, — дейди Т.Аберкулов. Бу йўлда кенг қўллади, аниқ мақсадларга қаратилган тезкор ишлар олиб боришимизга қарамадан жорий йилнинг уч ойи мобайнида 374 нафар вояга етмаган ҳамда 131 нафар ўз фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар профилактика ҳисобга олинган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга эса 240 та ҳужжат юборилган бўлиб, 13 нафар ота-оналар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. 9 нафар вояга етмаганлар Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида жойлашган махсус-мактаб интернатларга ҳамда 7 нафар бола Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилди. Вояга етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар 166 тани ташкил этди. Бу рақамлар албатта кўнглида оғриқ уйғотади. Жорий йилнинг Меҳр ва мурват йили деб номланиши ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига асосан ота-онанинг қаровисиз қолган вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий—тарбиявий, оммавий спорт ишлари самардорлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий муҳофазат муҳтож шахсларда ижобий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ҳаётга мослашувини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳар

Янги наشرлар

КИШАНГА АЙЛАНГАН БИЛАКУЗУК

«Бу фоний дунёда кимнингдир орзу-умидлари ушалади, кимларгадир армон бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам бу ёруғ дунёни армонли дунё деб аташадди.»

Армонли дунё. Ота-онанинг суянган тоғи, бири-бирдан ширин ўғил-қизларининг меҳрибон дадажониси, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган суюкли ёрининг ишонгани, юртининг жасур ўғлонларидан бири, марҳум Абдуҷалил Бойжоновиинг ҳам ўғли, ёш юрагида қанчалар қанча ширин орзулари ушаламай қолди... Ушбу сатрлар Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Матбуот маркази инспектори Самариддин Халиловнинг «Кишанга айланган билакузук» деб номланган китобига тааллуқли. Яқиндагина «Фан ва технология» нашриётида чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етиб борган, ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши мардонавор курашишлари ҳақидаги мақолалардан иборат ушбу китобча ишонамизки ёш авлоднинг ватанпарвар ва юртга садоқатли бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Айтишга китоб муаллифининг эд-юрт осевишталлигини сақлаш йўлида, ўз хизмат бурчини ўтаётган вақтида ҳодимларча ҳалоллик билан юрт посбонларини ютириб берган мақолаларни ҳеч кимни безътибор қолдирмайди. Яна шу ўринда мамнуният билан айтиб ўтишни истар эдикки, Самариддин Халилов «Оқшом» газетасининг энг фаол жамоатчи муаллифларидан. Газетхонлар уни «Оқшом» саҳифаларида мунтазам ёритиб бориладиган «02: Ҳодисалар», «Қилмиш — қидирмиш», «Саёқ юрсанг — таёқ ейсан», «Жиноятга жазо муқаррар» каби рухлар остидаги жиноят йўлига кириб қолиб, боши деворга урилган кимсалар ҳақидаги мақолалари орқали яхши танийдилар. Биз «Оқшом» жамоаси ва газетхонлар Намидан интилувчан ва гайратли иждокор Самариддин Халиловга ҳуқуқий-маърифий мавзудаги мақолаларни ёритишда ўткир қобилият, зуқко тафаккур, қолаверса, бу йўлда асло чарчамасликни, илк қалдирғоч бўлиб дунё юзини кўрган бундай китобларнинг яна қўллаб чоп этилишини ва ўқувчилар меҳрини қозонишини тилаб қоламиз.



оч бўлиб дунё юзини кўрган бундай китобларнинг яна қўллаб чоп этилишини ва ўқувчилар меҳрини қозонишини тилаб қоламиз.

Инсон ва қонуни



Сергели туманида жойлашган 234-милиция таянч пунктнинг катта лейтенанти Темурхон Асқаров маҳалла посбонлари билан ҳамма ҳамакорликда, ҳамжихатликда иш олиб боради. —Жиноятчиликнинг олдини олиш, тартиб-интизомни сақлашда бамааслахат қилинган ишнинг фойдаси катта, — дейди тинчлик посбонининг ўзи. СУРАТДА: катта лейтенант Темурхон Асқаров навбатдаги режалар ҳақида маҳалла посбонлари билан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

Дин инсонлар руҳини поклаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий қадрият ва аъёналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутатади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи, маданий-маърифий сароҳати билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтириши, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан муслмон оламида беқеъи мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боларимизнинг бу борадаги унутмас хизматларини ислом дунёсида ҳеч ким инкор эта олмайдди. Имом Бухорий, ат-Термизий, Мотурудий, Марғлоний, Замашарий, Назмиддин Кубро, Нақибанд каби уламоларимизнинг ўчмас номларини, бутун муслмон олами ҳурмат билан тилга олади. Экстремистик кучларнинг энг разил мақсади мана шундай буюк меросга эга бўлган ўзбек халқини, бугун юртимизда яшаётган монлари идораси ҳузурдаги «Қўқондош» Тошкент ўрта махсус ислом билим юртида оғох ва сезгир бўлишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни билим юрти раҳбари А.Маткулов очиб бугунги кунда наинки бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда содир этилаётган мундҳис воқеаларга тўхталиб, талабаларни оғох бўлишига чакирди. Шунингдек, бу воқеалар юзасидан талабалар З.Маққамов, Н.Тўхтаевлар ўз фикрларини билдиришди. Давра суҳбати қўқондош Савол-жавоблар билан ўтди. Давра суҳбатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари қўмитаси таълим бўлими мудири Саидбахром Ғуломов ва бошқалар ҳам катнашиб суҳбат мавзуси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дини диниётини мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга халқимиз аъёналари ва қадриятларига ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир. Абдуҳалик Жўраев, исломшунос.

Болалик — умримизнинг баҳори. У айни куч-қувватга тўлган давримиз. Билагимизда тоғни урса талқон қиладиган кучимиз бор. Ҳайрат-шижоатимиз жўшган давр. Ҳар бир ўспирин бу даврда ширин хаёллар суради.

Саёқ юрсанг — таёқ ейсан

НОҚОБИЛ ЎГИЛ

Ҳозирги кунда ёшларининг зуққолиги, билимдонлиги, кўпгина чет тилларига қизиқувчанлиги, меҳнатсеварлиги кишини завқлантиради. Лекин маънавиятнинг иккинчи томони ҳам борки, айрим ёшларнинг ўз ҳаётини барбод қилиб, разолат уругини соҳиб бўлиб қўйиб қетишга ҳатто кириб кетишга ҳатто ачинарли, бунинг сабаблари нимада деган оғриқли саволларни келтириб чиқаради. Даврон оилада яққаюлғиз ўғил. Унинг ҳам камолга етиб, келгусида яхши инсон бўлиб етишишини ота-онаси оруз қилар эди. Шунинг учун ҳам улар Давронни яхши ниятлар билан ўқишга жойладилар. Даврон ўқишга кирган бўлса-да, дарсларга қатнаш ўрнига ҳар бир кунини ўртоқлари билан кўча-кўйда бекорчи юриш билан ўтказишни хуш кўрарди. У ўқишда ўзига ўхшаган бекорчи бўлиб орттирди. Улар билан машинада кечалари кўчама-кўча дайдиб юрарди. У ўқишга билим олиш учун эмас, балки қизларга ўзини кўрсатиш учун борарди. Бир кун Даврон ҳар галгидек дарсларга қирмай дўстлари билан дискотекага борди. У ердан ҳам ўзига яраша танишлар ортириб олган. Унга янги таниши гийвандлик моддасини кўрсатиб, «бир тортсанг маъза қиласан», деб озгина берди. Даврон ҳаёлида ўғил бола ҳамма нарсадан бир маротаба татиб кўриши керак деб ўйларди ва татиб ҳақиқатан ҳам ўзини бошқача ҳис этди ва тани...

Улар пойтахтимизнинг Юнусобод бозорига бундан икки йилча аввал ўрашди танишди. Ҳар иккиси ҳам бу ерда савдо-сотик билан шуғулланиб, тирчилик қиларди. Савдолари бир яхши бўлса, гоҳида юришмай қоларди. Шундай бўлса-да, «борига барака» қабилида иш тутишди. «Сабрнинг тағи сариқ олтин» деганларидек, кўп ўтмай топиларинанча яхшиланди. Кундалик эҳтиёжларидан ташқари ун-тўрт сўм орттира бошлашди ҳам. Аммо, уларни шайтон йўлдан урдики ёки бошқа сабабми, ўтган йилнинг май ойларида туқликка шўхлик қилиб, жиноятга қўл уришди. Аслида бу «шашабус» Фарруҳдан чиқди. Дастлаб у терговда шахсон аниқлашнинг имкони бўлмаган Маҳмуд исмли таниши билан Тожикистоннинг Нав туманидан 83,6 грамм героини гийвандлик моддасини Бекободга олиб ўтди ва ундан Тошкентга олиб келди. Бозордан Ботирни топган, унга мулдасини айтди: — Анавидан олиб келдим. Энди уни сотиш керак, — деди у Ботирни четроққа тортиб, — ёрдамчининг ама-санг, сени ҳам қуруқ қўймайман. Фарруҳнинг дабудордан қилган бу тақлифи Ботирни бироз ўйлантириб қўйди. — Худо берса, бу ерда ўтириб ўн беш кунда топадиганингни бир соатга қолмай топасан, — деб Фаррух у ёқ-бу ёққа қарат қўйди. Оғайнисининг сўнгги гапларини эшитган, Ботирнинг кўз ўнгиде бир даста пуллар гавдаланди. Чиндан ҳам улар ўзиники бўлиши мумкинлигини ўйлабди Фарруҳнинг тақлифига сотиб оладигандек сўради Алексей. — Алексей, брат, аввал сен сўраган нарсадан бор эди, жуда қўлғиланди. Мабодо керак бўлса сотиб ол, — деди Ботир салом алидан кейин. — Қанча бор? — худди шу захотиёқ сотиб оладигандек сўради Алексей. Бу ерда 83 грамм, холос, — деди Фарруҳ захри қотилнинг ҳар бир граммини 10 минг сўмдан баҳолашди, «мижозага тулқазаркан. Аммо, шу пайт у билан Ботирнинг қўллари орасига қайрилди. Оғуфурлар не кўз билан кўришиники, аллақачон «тузоққа тулашганди. Ортиқча ури-нишларга ҳожаз йўқлигини англаган йигитлар айбларига тўла иқдор бўлишди. Суд уларнинг қилмишларига яраша қонуний жазо тайинлади. Шу ўринда ҳар қандай кишини бир савол ўйлантириши мумкин. Ҳўд, нима учун Фарруҳ билан Ботир топганларига қанот қилмай мўмай пул ишлашга уринишди? Бу йўлнинг боши берклигини, охири «вой» эканлигини нахотики улар эшитишмаган ёки тушунишмади экан? Агар улар пешона тери билан топганларига барака беришини Яратқандан сўраб, секин-аста ҳаракат қиларганлариде эди, бугун мана шундай аянчли холга тушиб ўтирмаган бўлишарди. Ахир айтишди-ку: «Секин юрган ўзоққа боради», деб. Тўлибжон ОБИДОВ, Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг судьяси, Хуришд СУЛТОНОВ, журналист.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...

• Ҳакимларнинг айтишича, шижоат, саховат ва хуш-фэъллик энг, аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармоясидан баҳраманлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоатга ахён-ахёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг урдасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгасидан бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд ўради, бошқалардан эса ўзига мухаббат ва мулоийлик қайтади. Қитъа:

Абадий саодатнинг калити хушфэълликдир, Аммо унга баъзилар муяссар эрмас!

• **ҲИКОЯТ.** Нўъмон ибн Муъиз араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмағуй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нўъмон:
— Буни сенда синаб кўриш керак! деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди.

Ўз мақомида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.

Бошида ақли кам бўлса кишининг, Тилида сўзи кўп бўлади, дилдор!

• Бир кишининг уйига бир неча меҳмон келган эди. Меъзон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч кўзғалишмасди. Меъзон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очилмади. Шунда у уй эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб:

«Хозир, хозир туришяпти!» деди.

• Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга тушди:

— Нега йиғлаяпсан? — сўрашди ундан.

— Овқат иссиқ экан еяолмаяпман, — деди бола.

— Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку, қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

Ўзбекистон ва жаҳон

РОТТЕРДАМ МУЗЕЙИДА – ЎЗБЕК ХОНАСИ

Роттердам Нидерландия ҳудудидан ташқарида ҳам Европа транспорт ва саноат маркази сифатида кенг танилган. Шаҳар халқро аҳамиятга молик порт билан бир қаторда Маас дарёси қирғоғида жойлашган Роттердам жаҳон музейи билан ҳам машҳурдир. Унинг кўргазма залларида турли мамлакат ва минтақалар маданияти ва санъатини акс эттирувчи 350 мингдан ортиқ экспонат мавжуд.

Шу кунлари музейда Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос экспозиция очилди. Музейнинг виртуал "меҳмонхонаси"да мамлакатимизга бағишланган махсус сон жойлаштирилди. Экспозициянинг, авваломбор, болалар учун тайёрланган ушбу бўлимига ташриф буюрганлар Ўзбекистоннинг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси томонидан тақдим этилган китоблар ва журналлар, амалий санъат асарлари намуналари билан танишишлари мумкин.

Музей "меҳмонхона"си мувофиқлаштирувчиси Марийк Боель тақдимот маросимида Ўзбекистон Роттердам аҳолисининг катта қисми учун таниш мамлакат эканини таъкидлади. Роттердамликлар уни бир неча йил муқаддам бу ерда ўтказилган халқро музика фестивалида хонанда Юлдуз Усмонова ижро этган қўшиқлар орқали севиб қолишган. "Энди ёш шаҳарликлар ҳам ажойиб мамлакатингиз ҳақида янада чуқурроқ тасаввурга эга бўлади", - деди Марийк Боель.

БОЙСУНДА
УЧРАШГУНЧА!

Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик институтида "Бойсун баҳори" учинчи фольклор фестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 17-19 май кунлари фестивал Ўзбекистон ва кўплаб хорижий мамлакатлардан 400 га яқин иштирокчини Бойсунга чорлайди. Улар орасида фольклор жамоалар вакиллари, халқ бахши ва созандалари, хунармандлар ва либос усталари, олим ва журналистлар бор.

"Бойсун баҳори" дастуридан халқ сайллари доирасидаги очик концертлар, фольклор ансамбллари кўриги ва фольклор сахна кўриниши, либос дизайнерлари танлови, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси, ландшафт саёҳатлари, бахшилар айтишуви ва кўпқари ўрин олган. Шунингдек, "Бойсуннинг тарихий-маданий кўрихона сифатидаги келажаги" илмий-амалий анжумани ва минтақанинг сайёҳлик имкониятларини ривожлантиришга бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

Венадан Тошкентга пойтахт ҳокимияти ходимлари ва ишбилармонларидан ташкил топган ҳайъат қайтиб келди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ
ҲАМКОРЛИК

Австрия Федерал иқтисодийёт палатасида ўзбекистонлик меҳмонлар ва Австриянинг ўттиздан ортиқ компаниялари вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Пойтахтимиз вакиллари австриялик ҳамкорлари билан шаҳар ва коммунал хўжалигида қўшма лойиҳаларни тадбиқ қилиш масалаларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ташриф давомида Вена муниципалитети ва унинг департаментлари фаолияти билан танишишга катта вақт ажратилди. Ҳайъат аъзолари халқ таълими, обodonлаштириш, корхоналарни рўйхатга олиш, шаҳар транспорти, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкасблари билан учрашувлар ўтказди. Тошкентлик меҳмонлар янги бунёдкорлик объектлари, шаҳарнинг янги йирик савдо марказларидан бири ва янги Вена халқро кўргазма маркази билан танишдилар.

Ташриф якунида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди. Бундан мақсад ТАСИСнинг "Биродарлашган шаҳарлар" дастури доирасида икки мамлакат пойтахтлари ўртасида яқин шериклик муносабатларини ўрнатишга қаратилган.

Маъбирлар

ИНСОНПАРВАРЛИК ОРҚАЛИ
ТИНЧЛИК САРИ

Маълумки, ҳар йили жаҳон мамлакатларида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқро ҳаракати куни кенг нишонланади.

Жамият ходимлари ва кўнгилчилари ҳар йили донорлар ёрдамида 300 мингга яқин ёлғиз кексалар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, сурункали беморлар, етим болалар, турли хил офатлардан жабрланган кишилар, миллати, дини, иркидан қатъи назар аҳолининг муҳтож табакаларига уларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида моддий, тиббий, озиқ-овқат ва бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатадилар.

Улар ўз фаолиятларини етти тамойил — инсонпарварлик, холислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягоналик, умийликка таянган ҳолда амалга оширадилар.

Аввал хабар берганимиздек, куни кеча Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 141 йиллиги муносабати билан «Меҳр-муруватга қалбингни оч!» мавзудида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Унда жамият вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамият тасарруфидаги яқка-ёлғиз қариялар, Жаҳон иқтисодийёт ва дипломатия университетини кўнгилчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар жамиятнинг келиб чиқиш тарихи, мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб ўтдилар. Шунингдек, 21- ва 30-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзларининг тайёрланган концерт дастурларини, талабалар эса ОИТСга қарши сахнавий чиқишларини зўр маҳорат билан ижро этишди.

— Тадбирдан мен жуда бой таассурот олдим, — дейди жамиятнинг Қўқон шаҳри кўнгилчиси Наргиза Абдуллаева. — Меҳрга муҳтож инсонларнинг кўнглига озгина бўлса-да илиқлик, хуш кайфият улашилаётганидан хурсандман. Айниқса, талабалар-

КЎРГАЗМА
ОЧИЛДИ

Австрия пойтахтидаги машҳур "М-Арт" галереясида "Ягона ҳудуд: Вена-Тошкент-Вена" мавзусида Австрия-Ўзбекистон кўргазмаси очилди. У ўтган йили кузда асос солинган ижодий лойиҳанинг навбатдаги босқичи бўлди.

Ушанда австриялик тўрт расмон мамлакатимиз турли шаҳарларида ташриф буюриб, ўзбек ҳамкасблари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий кўргазмалар залида ушбу ижодий саёҳат давомида яратилган асарлар қўшма кўргазмасини ташкил қилган эди.

Энди Ўзбекистон ва австриялик моҳир мўйқалам соҳиблари ижодий мулоқоти натижа-сида яратилган асарлар Вена-нинг нозик дидли муҳлисида эътиборига ҳавола этилмоқда. Кўргазмага ташриф буюрганларда, айниқса, А.Алиқулловнинг лирик асарлари, И.Шин, В.Енин ва В.Трошинанинг она юрт гўзаллигини таранум этувчи манзаралари, М.Содиқовнинг Ўзбекистон шаҳарлари бетакорро муҳити акс эттирилган ва бой рангларга йўғрилган лавҳалари чуқур таассурот уйғотмоқда.

Бундай лойиҳалар ўзаро маданиятлар алмашинуви, халқароимиз аънава ва урф-одатлари яхшироқ англинишига хизмат қилишига кўргазма ташкилотчиларининг ишончлари қомил.

"Жаҳон" ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди



нинг сахнада кўрсатган актёрлик қобилиятларига тасаннолар айтса арзийди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига бўлган эътибор мени ҳаяжонга солди.

Тадбир давомида фахрийларга, боқувчисини йўқотган қарияларга 6 минг евро миқдоридоги дори-дармонлар тарқатилди ва фаол кўнгилчилар совғалар билан тақдирланди.

Тадбир якунида «Сен ОИТС билан юқтирмайсан...» мавзудида деворий газеталар танлови ва биринчи ёрдам кўрсатиш мусобақаси ўтказилди. Танлов ғолиблари ва мусобақа катнашчиларига совға-саломлар тортиқ қилинди.

Зилола МАННОПОВА

Бу сўлим гўшада дам олиш мавсуми бошланиб кетди. Шаҳар транспортчиларининг бу сеvimли оромгоҳи дам олувчиларининг дастлабки гуруҳини ўз бағрига олди.

СЎЛИМ ОРОМГОҲ
ЧОРЛАЙДИ

имконият юзага келди. Мусаффо тоғ ҳавзасидан баҳрманд бўлаётган транспортчилар кўл ёқасида очилган чойхонада ҳам гурунғ қилишлари мумкин. Дам олувчиларини бу гўшага элтиб қўйиш учун

«Мерседес-Бенц» автобуслари ажратилди. Икки кунлик дам олиш жадевали ҳам тузилди. Тошкент метрополитени транспортчиларидан иборат гуруҳ оромгоҳининг дастлабки дам олувчилари бўлишди. Навбат-

ма-навбат уюштирилаётган бундай тадбир давомида яна кўплаб ходимлар мириқиб дам олиб, тоза тоғ ҳавзасидан, оромгоҳ хизматидан баҳраманд бўладилар.

Ўқувчиларнинг ёзги таътилларида бу гўша янада гавжумлашади. Ота-оналар ҳам ўз фарзандлари билан бирга хордик чиқарадилар.

Бир сўз билан айтганда, мавсумда икки минг нафар транспортчи ва 1800 нафар болажонлар бу ерда дам олади.

Акбар АЛИЕВ

Табиаат

ажойиботлари

КИМ КУЧЛИ ЭКАН?

Ер юзида қайси ҳайвон энг кучли деганда одатда фил деб жавоб берилади. Бу жонивор 12-15 тонна. Яъни, ўзининг вазнига нисбатан 3-4 баробар оғир юкни судраши мумкин. Лекин дунёда ҳамма нарсанинг нисбийлиги илгаридан маълум. Масалан, машқ қилиб юрган одам 400 килограмм оғирликдаги ҳарсанг тошни думалатиши мумкин. Бу эса одам вазнига нисбатан 5-6 марта каттадир.

Чумолилар янада кучлироқ экан. Улар ўзининг вазнига нисбатан 50 марта оғирроқ нарсаларни ташиб келиши мумкин. Кўнгизлар эса ўзларига нисбатан 100 карра оғир жисмларни судраб келади. Бунинг сабаби чумоли ўлчами билан унинг мускуллари орасидаги ўзига хос нисбатга боғлиқ экан.

Ким кучлироқ — одамми ёки йўлбарсми? Украиналик спортчи Терентий Корин бу масалада инсоннинг устунигини бир йўла исботлаб берди. Цирк сахнига катақдан отилиб чиққан йўлбарсни бир уришдаёқ ерга қапштирди. Йўлбарс эса тил тортмай ҳалок бўлди. Ана шу жасорати учун Терентий яққола ягона нишон билан тақдирланди. Нишонга йўлбарслар голиби деб ёзиб қўйилган эди.

Арслон ҳам йиртқич сут эмизувчилардан бири, у чиройли, кучли ҳайвон. Хусусан, эркак арслоннинг бўйи ва кўкрагини қоплаган ёли уни улугвор ва кўркем қилиб кўрсатади. У очлигида ва ярадор бўлганида одамга ҳамла қилади.

Одамлар арслонни энг кучли йиртқич ва барча ҳайвонларнинг подшоши деб аташга ўрганиб қолганлар. Лекин уни ҳамма ҳайвонлардан кучли деб бўлмайди. Йўлбарснинг эса арслондан кучли экани аниқ. Ҳайвонот боғлари ва цирк сахналаридан олинган маълумотларга қараганда шу нарса аниқландики, йўлбарс билан арслон орасида тўқнашув юз бериб, урушиб қолгудай бўлса бунда кўпроқ арслон жароҳат олиши кузатилади. Агарда уларни ўз вақтида ажратмаса йўлбарс арслонни гажиб ташлаши ва ҳалок қилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам йўлбарснинг хатти-харакатини кузатганда унинг анча чаққон, эпчил ва тезкор мушук эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Энди Польшадаги ҳайвонот боғида содир бўлган қизиқ бир воқеа ҳақида икки оғиз сўз.

Боққа боришдан аввал ёш овчи ўзича тайёргарлик кўради: у мустақил равишда ов қиладиган ёй ва беш дона ўқ тайёрлайди, буларнинг ҳаммасини энгидаги кийимнинг тағига яширади. Боққа киргач Адам онасини йиртқичлар каттаги томон юришига ундайди. Йиртқичлар олдига келгач эса Адам онасининг кўзини шамғалат қилиб шоша-пиша ёйни олиб ўқлайди, мўлжалга ҳам олмасдан йўлбарс томон отиб юборади. Бахтга қарши ўқ жуда аниқ отилган экан, у тўппа-тўғри йўлбарснинг кўзига бориб қадалди. Йўлбарснинг бўкириши эса ҳамма ёқни ларзага солди ва у жонивор кўзидан маҳрум бўлди. Адамнинг ота-ониси суд қарори билан ҳайвонот боғига 120 миллион злотих ҳажмида жарима тўлайдиган бўлди.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари номзоди.

Назм бўстонига

ОҚШОМ

Оқшомларда уммон сеҳр ҳам,
Кумуш сочбон ичра боқар сой,
Кўкда эса, нозланиб бирам,
Салом берар, тирноқдайин Ой.

Бу ўлкада қиш ҳам баҳордек,
Оқшомга файз бергани берган.
Юпун боғда ҳаловат бордек,
Бирор шох йўқ қарсиллаб синган.

Қиш чоғда ҳам, чорва галалаб,
Мамнун маъраб қайтар даладан.
Ғийбатчилар қулоқ тозалаб,
Гап пойламас бунда, панадан.

«Рўзгорият бутун бўлсин» — деб,
Ҳиммат нурин аямас офтоб.
Нурдан ортса, уй-га бериб зеб,
Мос-лар, хос-га айлашар тавоб.

Шаҳардами, ҳоҳ қишлоқ бўлсин,
Эврилишлар палласи Оқшом!
«Кўёш бардам дам олиб турсин, —
Деган туннинг алласи Оқшом!

ШУНИ СЕВГИ ДЕСАЛАР КЕРАК

(«Қиш сонатаси» телесериалидан сўнг, неварам Абдумалих ва Абдуллоҳ, додажон мана шу, телесериалини шеърӣ шарҳлаб беринг, дейишди)

Ишқни жондан суйсанг, қайнаб
тошарсан,
Учраган ҳар қандай говдан ошарсан.
Нигоҳи илоҳга доим шошарсан,
Шуни севги десалар керак.

Ногоҳ хато қилсанг, бағринг
тилинар,

Андух, ҳадиқларинг унга билинар.
Аммо, у борини сенга илинар,
Шуни севги десалар керак.

«У, сенга мос эмас», —
дедилар, тўнди,
Асабни жиловлаб, омонат кўнди.
Икки ўқ домиди, минг ёниб сўнди,
Шуни севги десалар керак.

Ўзгартмоқ осонмас, тақдир режасин,
Қалб қабул этмаса неча-нечасин,
Ҳақ-ку битиб қўйган, Ялло кечасин,
Шуни севги десалар керак.

Бола-бақра бўлар, бештами ё ўн,
Барчасин улғайтмоқ асло эмас жўн,
Қартайганда ҳатто, лаб босса бёун,
Шуни севги десалар керак.

РУБОЙЛАР

Ирода илоҳий қалқондир абад,
У шоху гадога қўндирмагай гард.
Ривожот отаси ирода бўлса,
Онаси абадул бардавмо мەҳнат.

Қасд—деди, «Ёмон бўл!» —
омад келаркан,
Ҳатто, шум рақиб ҳам вафо

қиларкан,
Ёмон бўлиб кўрай дедим, лек афсус,
Ирсий ҳамиртуруш керак бўларкан.

Васлинг осмонида зеро, кам зиё,
Ҳатамтой эрсангда, бахт боқмас қиё.
Мозий, кўзларига мил тортганда ҳам,
Шифосин англамас, бу телба дунё.

Дил, даврон сўргали, савлат ахтарар,
Савлат белбоғига, давлат ахтарар.
Иккиси ҳам аъло, гурур учун, лек,

Оқиллар қалбингдан, санъат ахтарар.

Чархи-гардун элайверар элагини,
Саралай деб, ноқеракдан керагини,
Сара сафда бўлмоқ эрур, бори гувор,
Чарх на қилсин?... — билмаса
гар бўлагини.

Гар, нурсизмиз, очик кетар
кўзимиз,
Ижобат нуқтасин топмас сўзимиз.
Илоҳ мусаввири бўлсайдиқ агар,
Қайта чизар эдик, ўзни-ўзимиз.

ЯХШИ ЗАМОН...

Бир-бирини йўқотганлар лол экан,
Топган шодон, топмаганлар дол экан.
Жигаридан жудоларни дарақлаб,
Топсам — деган, Яхшилар ҳам
бор экан.

Яхши замон эл-улуста онадир
Ёмон ҳатто, буюқлардан тонадир.
Минг шукрки, Яхшилар кўп дунёда,
Она юртим ҳеоятга қонадир.

Зугум замон деворлари бузилди.
Нотенг «тенглик»,
чок-чокидан узилди.

У кунларни кўрсатмасин энди чарҳ,
Комиллик-нинг қонунилари тузилди.

Энди ҳайрон ҳасратингни қўй дунё,
Юрт тинчлигин, буюқликка йўй дунё.
То, ҳарсангбоз кенг фалақдан
омон чарҳ,
Ҳурриятнинг Офтобига тўй дунё.

Бир-бирини йўқотганлар лол экан,
Топган шодон, топмаганлар
дол экан.

Жигаридан жудоларни дарақлаб,
Топсам — деган, Яхшилар ҳам
бор экан.

Турсун МУҲАММАД

Кўрғазмалар

ҒАРБНИНГ БУЮК ҲАЙКАЛТАРОШИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида Буюк британиялик таниқли ҳайкалтарош Генри Мур ижодига бағишланган бадиий фотолар кўрғазмаси очилди.

Генри Мур XX асрнинг кўзга кўринган истеъдодли ҳайкалтароши бўлган. Унинг асарларидаги асосий мавзу она ва бола, меҳр-муҳаббатга ташна ёшлар қиёфасини яратиш. Табиатнинг мўъжизакор ишларини тасвирлаш. У шунингдек, бу касб билан чегараланмай, графика билан ҳам шуғулланган.

Кўрғазма очилишида ҳамкорлик қилган Британия Кенгаши аъзолари сўзга чиқиб: юртдошларининг ҳаёти ва ижодий ишлари хусусида таъкидлашди. Ҳайкалтарошлик асарларининг кўрғазмасини ташкил этишдан мақсад, Британия ва Ўзбекистоннинг ўзаро маданий алоқаларини мустақамлаш, тарихий ёлгорликлари, санъаткорларини яқинроқ таништириш, ўзбекистонлик санъат муҳлисларини гарб ижодкорлари оламидан хабардор этишдир. Кўрғазма Генри Мурнинг бебаҳо санъат ёлгорликларига бўлган талабни ривожлантириш, ёш

ҳайкалтарош-графикларга ўрнак бўлиш каби эзу ишларни кўзлаб очилди.

Ҳайкалтарошнинг эътиборга лойиқ асарларидан бири Гётенинг «Прометей» асарига бағишланиб ишланган литографик «Прометей»дир. Унда инсонийлик жозибаси, кайфиятнинг ёрқин ифодасини кўришимиз мумкин. «Дарактлар», «Уч ҳайкал шакллари», «Креол аёл» каби асарлари уша даврдаёқ машҳурликка эришган. Зеро, Г.Мурни Пикассонинг издоши деб бежиз айтмайдилар. Ижодкорнинг кўпгина асарларида қора бўёқлар асосий ўрин тутди. Асарларида кўпинча ҳайкалтарошнинг яқин кишилари, ёру биродарлари тасвирлишидан унинг ўз оиласи, Ватанига меҳр-муҳаббати юксак эканлигини англаш мумкин.

Кўрғазмадан ижодкорнинг 50 дан ортиқ ҳайкалтарошлик, график асарлари ўрин олган.

Юлдуз УСМОН



Шахримизнинг равон ва шинам кўчалари.

Матновлар

ЁШЛАР ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНАДИ

«Ўзбектеелефильм» студиясининг «Нишона» ёшлар ижодий уюшмаси томонидан «Ёшлар ҳаёти» деб номланган киносценарийлар танлови эълон қилинди.

Бу танловни ўтказишдан мақсад истеъдодли ёшлар ижоди орқали бугунги кун ўқувчи-ёшлар ҳаётидаги муаммоларни ёритиш ва уларни бартараф этишдир. Танловни «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Янги аср авлоди» наشريёт-матбаа маркази, «Болалар» Республика жамғармаси, «Соғлом авлод» жамғармаси ҳамкорликда ташкил этмоқдалар. Лойиҳа ҳомийлари — «КЕЙС» Америка-Ўзбекистон қўшма компанияси, «OFFICE MARKET» фирмаси, «OFSET PRINT» босмаҳонаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Миллий боғи, «Эко-

сан» халқаро жамғармаси. «Ўзбектеелефильм» студияси бош хомийлигидаги ушбу танлов натижалари 28 августда Ўзбек Миллий академик драма театрида маълум қилинади ва галдбирга тақдирланади. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан кам таъминланган оила фарзандлари ва Мелангбонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам тадбирга тақдиф қилиниб, уларга ҳамкор ташкилот ҳамда хомий компания, фирмаларнинг хайрия совғалари берилади. Тақдирлаш жараёни давомида эстрада юлдузлари ва ёш ижроичилар иштирокида концерт дастури намойиш қилинади.
Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт

ВОЛЕЙБОЛЧИ КИЗЛАРИМИЗ — ЧЕМПИОН

Беш кун давомида шахримиздаги Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги спорт мажмуасида волейбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг сўнгги тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Бухоро, Наманган, Хоразм, Фаргона ва Тошкент волейболчи кизлар жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Чемпионат беллашувлари кескин ва мурасасиз лаҳзаларга бой ўтди. Шубҳасиз, асосий баҳс ўтган йилги чемпион Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «СамКИ» ҳамда шахримизнинг «Тўмарис-СКИФ» жамоалари ўртасида кечди. Кўп жихатдан ҳамшаҳарларимизнинг «СамКИ» устидан қозонган ғалабаси чемпионат тақдирини ҳал этди ва умумий ҳисобда 40 очко жамғарган «Тўмарис-СКИФ» мамлакатнинг бу йилги чемпиони бўлди.

Чемпионатнинг ғолиб ва совриндорлари олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан тақдирланди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ХАМ ҒОЛИБ

Андикон шахрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» мусобақасининг республика босқичида ҳам шахримиз волейболчи кизлари зафар кучишди.

Гуруҳдаги баҳсларни кўтаринки руҳда ўтказиб, барча рақибларидан ўзиб кетган ҳолда ярим финалга чиққан ёш волейболчиларимиз ушбу босқичда майдон эгаларини ҳеч қандай имконият қолдирмасдан «куруж» ҳисобда енгган ҳолда ҳал қилувчи учрашувда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

Финалда наманганликларни ҳам чиройли таразда енгган ўсмир волейболчи кизларимиз «Умид ниҳоллари» мусобақалари республика босқичининг ғолиблари бўлиши ва олтин нишонлар билан тақдирланишди.

Майдон эгалари — андижонлик спортчиларга учинчи ўрин насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 324-урта мактаб томонидан 2003 йилда Абидов Мирҳалил Мирсоибович номига берилган Z № 0410514 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 24-урта мактаб томонидан 1997 йилда Рашидов Абдусаркор Абдувалиевич номига берилган Z № 0247572 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2000 йил 10 майда яқка тартибдаги тадбиркор Исоқов Нажмитдин Рамизович номига берилган № 0513265 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Умид ниҳоллари — 2004»

ШОҲСУПА ТҶРИДА — ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ

Азим шахримизда ўқувчи-ёшларнинг катта байрам тантанаси бўлиб ўтди. Умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида уларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамоллиги йўлида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг сузиш тури бўйича республика босқичи «Ўзбекистон» спорт мажмуасининг сув спорти саройида бўлиб ўтди.

— Мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан оқ соғлом авлод тарбиясига муҳим эътибор қаратилди, — деди мазкур анжуманнинг очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Анвар Зокиров. — Шунинг учун ҳам 1999 йилдан бошлаб юртимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, ўқувчи-ёшларни оммавий равишда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати-га жалб қилишга қаратилган спорт мусобақаларининг уч бўғинли ягона тизими («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада») жорий этилди.

Уч кун давом этган ушбу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 280 нафар ўқувчи ва мураббийлар иштирок этдилар.

— Иштирокчилар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдик, — деди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолиддин Камолов. — Мусобақа иштирокчиларининг бўш вақтларида Ўзбекистон давлат тарих

ва Темурийлар тарихи давлат музейлари, пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойлари, маданият ва истироҳат боғларида дам олишларини ташкиллаштирдик.

— Мусобақа иштирокчилари уч кун ичида сузишнинг 50 метрга чалқанча, 100 метрга эркин, 200 метрга батерфляй, 400 метрга эркин усулда каби йўналишлари бўйича ўз иқтидорлари, маҳоратларини синовдан ўтказдилар, — дейди «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти раиси ўринбосари Дониёр Султонов. — Уйламанки, ушбу спорт мусобақалари ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Янги-янги иқтидорлар аниқланиб, спортга ҳавас тобора ортмоқда.

Спортнинг гўзал турларидан бири бўлмиш сузишнинг турли йўналишлари бўйича беллашган спортчи-ёшларнинг ушбу мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганлари уларнинг фақат ғалабага бўлган интилишларидан кўриниб турди. Мурасасиз беллашувлардан сўнг ғолибни аниқлаш осон кечмади.


Нуфузли ҳайъат аъзолари очколар жамланмасига кўра Тошкент шаҳри жамоаси ғолиб чиққанлигини эълон қилганда гулдурас, давомли қарсақлар муносиб номзодлар учун узоқ вақт янгради.

Шуниси эътиборга лойиқки, мусобақада иштирок этган барча ғолиб ва қатнашчиларга шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва «Камолот» ЁИХ марказий Кенгашининг Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг сузиш тури бўйича ўтказилган беллашувдан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Саломатлик

ГЕПАТИТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Вирусли гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши билан кечади.

Касаллик соғ одамга гепатит билан касалланган беморлардан юқади. Касалликнинг яширин, яъни юқиш хавфи кучли бўлган даври 7 кундан 35 кунгача чўзилади. Бу вақтда бемор касаллик тарқатувчи микробларни ахлати ва сийдиғи орқали кўплаб ташқарига ажратади. Беморларнинг идиш-товуқлари, ўйинчоқлари ва бошқа ишлатган буюмларидан фойдаланилганда ифлос қўллар орқали касаллик тарқатувчи микроблар соғ одам организмига юкиб, касалликни чақиради.

Касалликнинг биринчи белгилари — қувватсизлик, иштаҳанинг сусайиши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниб, қайт қилиш, кўз склерасида, терисида сариқлик пайдо бўлиши, пешоб ва ахлат рангининг ўзгариши билан кечади.

Вирусли гепатит касаллигининг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

- Овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиққандан сўнг албатта қўлингизни совунлаб ювинг;
 - Сабзавот ва меваларни ичимлик сувида ёки қайнаган сувда чайиб енг;
 - Уйингизни, ҳовли ва кўчаларингизни озода тутинг, ифлосланишга, чиқиндиларнинг тўпланишига йўл қўйманг;
 - Корхона ва яшаш жойларингизда санитария-гигиена қоидаларига амал қилинг.
- Касалликнинг асосий сабабчиси ифлос қўлдир. Буни доимо ёдингизда сақланг. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганидаёқ дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Касалликни ўз билганингизда уйда даволаш оғир оқибатларга олиб келишини унутманг.

Зулқарам ЭРМАТОВА, Юнусобод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 17 мартдаги 88-сонли қарорига мувофиқ кўп қаватли уй-жойларда умумий сув ўлчагич асбоблари ўрнатилган тақдирда, ичимлик суви ва оқова сувлари хизматлари учун тўланадиган ҳақ шу сув ўлчагич ас-

боби кўрсаткичларига қараб, аҳоли жон бошига тенг тақсимланган ҳолда ундирилади.

Хонадонларига хусусий сув ўлчагич асбобларини ўрнатган абонентлар тўловнинг бундай шартидан мустасно-дирлар. Улар ўзла-ридаги сув ўлчагич асбоби кўрсаткичларига кўра ҳисоб-китоб қиладилар.

ДУК «Сувсоз» трестининг туманлардаги исталган бўлимларида ушбу сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш учун шартнома тузи-шингиз мумкин. Шартнома эгалари-га ўрнатилган мосла-манинг 4 йил да-вомида ишлаши учун қафолат ҳам берилади.

Туман	Манзил	Телефон
Акмал Икромов	Ҳ.Турсунқуллов кўчаси, 42-уй (Мўлжал тез ёрдам шифохонаси)	74-11-11, 74-57-69
Бектемир	Сувчи даҳаси 35-Б-уй	195-16-28
Миробол	А.Чехов кўчаси, 42-уй	152-19-77, 56-25-24
Мирзо Улутбек	Морозов кўчаси (Мўлжал Академ. шаҳарчаси)	162-75-62, 162-55-81
Сергели	Сергели-3, 31а-уй	58-32-93
Собир Раҳимов	Форобий кўчаси (Беруний метро бекати)	46-03-84
Ҳамза	Иззат кўчаси, 58-уй	194-52-61, 96-32-50
Чилонзор	Халқлар дўстлиги кўчаси, 23а-уй	76-49-58
Юнусобод	А.Темури кўчаси, 117-уй	112-24-54, 112-24-89
Яккасарой	Аския кўчаси, 23-уй	54-34-49, 54-93-81
Шайхонтоҳур	Абай кўчаси (собиқ билимлар уйи, 3-қават)	

ДУК «Сувсоз» трести маъмурияти.

Ҳур.мат.и Дониёр Мурзақуллов!



Муборак 40 ёшингиз қўтулғ бўлсин. 14-май сизнинг ва қизингиз Жонорхоннинг тугилган кунини қўтулғ санасидир. Ушбу кунда сизларга соғлиқ, омад ва омонлик тилаб қоламиз. Сахий кўшимиз бошларингиз узра нур сочиб турсуну, нурафшон осмонимиз, сизларга энг ёрқин ва умидли кунларни ҳаёда этсин!

Дўстларингиз

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Тож Маҳал» М.Ч.Ж. тугатилади. Давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида 191-38-74 телефони орқали қабул қилинади.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 133-11-39, факс: (3712) 133-29-09.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4273 нускада босилди. Қўзғат бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрингизга берилган масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.